

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 4 июлдан чиқа бошлаган.

№ 177 (6. 666)

1988 йил 4 август, пайшанба

Баҳоси 3 тийин



ЯНГИЧА ТАЛАБ БИЛАН

«Партия ҳисобот-сайдлов йилгилида лойиҳалар бўлмаслиги керак. Лекин бунга эришиш учун суҳбатни қандай қилиб яхшироқ уюштириш мумкин?» — Тошкент тўқимачилик комбинати бошланғич партия ташкилотлари секретарлари қорхона партия комитети уюштирган учрашувда ана шу ҳақда таъкидлашди.

Партия ташкилотчиларининг бу «ўйини» тўла-тўқис амалий руҳда бўлди. Биринчи йигирув-тўқув фабрикаси

бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Беконова ҳисобот доклады тезислари билан суҳба чикириб, атайин бир неча «англишловчиликларга» йўл қўйди. Йигириш ахли социалистик мусобақани ташкил этиш, коллективда коммунистларнинг роли ҳақидаги суҳбатда ноаниқликларни пайқаб қолди. Кескин музокара бошланб кетди.

Ишмида КПСС XIX конференцияси қарорлари асосий йўналишидир. — дейди комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари Е. Арсенова ўзига таъкидлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида шаҳар партия комитети бюросининг «Тошкент шаҳрида уй-йой ва социал-маиший қурилиш жараёни ривожлантирилиши таъминлаш юзасидан «Главташкентстрой» коллегиясининг иш тўғрисида»ги 1988 йил 24 июль қарорининг қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

«Главташкентстрой» коллегияси, унинг партия ташкилотлари шаҳар партия комитети бюросининг маъмурий қарорини амалга ошириш бўйича муайян ишларни бажарганлиги қайд этилди. Уй-йойларни, социал-маиший-маданий объектларни ишга тушириш 1987 йил плани бажарилган, шу йилнинг биринчи ярмида уй-йойларни қуриш ва мактабгача болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш топшириқлари адо этилган. «Главташкентстрой» структурасини қайта тўзиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги кўринишларини жорий этишга доир ишлар амалга оширилган.

Шу билан бирга «Главташкентстрой» коллегияси ишида ҳақон камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. 1988 йилнинг биринчи ярмида бош пудрат бўйича ишлар плани бажарилмади. Шу даврда қатор умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш таъминлашда, уй-йой ва машинасозлик комплекси объектларига мўлжалланган маблағлар тўла ўзлаштирилган бўлиб, Асосий буюртмачи — Тошкент шаҳар Совети

ижроия комитети бўйича ярим йиллик план атиги 95,7 процент бажарилган.

Меҳнатни ташкил этиш паст савиядалигига қараб, Ақсарият қурилиш майдонларида юқори унумли меҳнат қилиш, нормал ҳордиқ чиқариш ва оқатланиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Жараҳатланишлар даражаси камаймапти. «Главташкентстрой» н и н г коллектив пудрати усули бўйича ишлашга ўтган 15 бўлинмасидан 7 таси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пудрат ишларини бажариш суръатларини пасайтириб юборди. Бунинг асосий сабабларидан бири қурилишлар моддий-техника ресурслари ва қурилиш индустрияси маҳсулотлари билан бир маромда таъминланмапти. Уй-йойларнинг оғирлиги кўндаларида топшириш таъминоти бўйича давом этиляпти. Бу ҳай-баракатлиликка, иш сифатини пасайтиришга олиб келапти. Охир-оқибатда бу меҳнаткашларнинг шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Иш натижалари «Главташкентстрой» коммунист раҳбарларининг ҳўжалик меҳнатини қайта қуриш юзасидан етарли чора-тадбирларни қўйишга қараб, кадрларга нисбатан талабчанлик кўрсатмаётганликларида, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдалана олмаганликларида далолат беради. Бош бошқарма партия бюроси, унинг секретари А. М. Динин коллегия аъзоларининг иш усуллари ва методлари шаклланишига жиддий таъ-

сир ўтказилишига эришмади.

Шаҳар партия комитети бюроси қабул қилган қарорда «Главташкентстрой» коллегияси коммунист аъзолари зиммасига бош бошқарма ишхонадаги қурилиш комплекси ишини такомиллаштириш, қурилиш суръатларини ошириш ва фойдаланишга топширилаётган уй-йойлар, социал-маданий, маиший объектларнинг сифатини яхшилаш, 1988 йил планининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича суҳбаси бажарилиши таъминлаш юзасидан тўла чора-тадбирларни қўриш вазифаси юклатилди.

Район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига «Главташкентстрой»нинг бўлинмаларига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг ишлаб чиқариш топшириқларини тўла ҳажмда бажаришлари устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг мажлисида «Ташкент» китоб савдоси идораси мансабдор шахслари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни эълон қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бинокорлар аҳди

2-ўйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармасининг Н. Кашченко етакчилиги қилаётган бинокорлари Ленин районининг Локутич ва Т. Шевченко кўчалари муволишида бунёд этилаётган 152 квартирани 9 қаватли бино қурилишини нидосяига етказди. Бинокорнинг 1-қаватидан бошлаб сут маҳсулотлари тартадиган пункт, Тошкент об-ласта туризм ва савҳат бюроси, «Электроника» магазини, радио тузатиш устaxonаси ўрин олган.

Бинокорлар ушбу бинони ўзларининг аънавий байрамлари — Қурувчилар кунига фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Кутилган қувватга эришилди

«Ташсельмаш» заводига қўйилган қувватга эришилди. Бу таъминлашган ускуна «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари завод инженер-техниклари ҳамкорлигида амалга оширилди. Нетижада машинасозлик қорхонасида пудратдан кетган эски машиналарда қилинган ишга берадм берилди. Қўл меҳнати кескин қисқарди, иш шароити яхшиланди. Кўпгина ишлар механизация воситаси зиммасига юклатилди.

Бу ускуна суткасига 800 дан ортиқ қилимда қўйилма тайёрлайди. Бу аввалгига қараганда, икки марта кўпдир.

160 хил хизмат

«Техсложбиприбор» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив Бутуниттифок XIX партия конференцияси шарофига олиган социалистик меҳбурятларини мўддатидан олдин бажарган эди. Олти ой ичида хизмат кўрсатиш усуллари бўйича пландан ташқари 54 минг сўмлик юмушлар бажарилди. 160 хилдан кўпроқ хизмат тур кўрсатишмоқда. Бир кунда фақат телефон орқали олинган 700 га яқин буюртма бир кеча-кундузда бажариб берилмоқда.

БУГУН Ҳамза районига яна бир «БК—300» кондиционер ремонт ва радио-магнитофон, электр асбоблари ремонт пункти ишга тушди.

Тезкор технология

«ТашНИИСтромпроект» институтининг ишхоналари қоплама плиталар ишлаб чиқарувчи заводларга ана шундай технологияни жорий этишни таъкидлашди. Ҳамма гап плиталар тайёрланганда «од-даларга болғик: бу ерда асосан арзон маҳаллий материаллардан — Ангрен қоилини, бетонни, синик шийа, тезпишар гилдан фойдаланилади. Нам ҳолда қопладан чиқарилган плиталар бор-йўғи 90 минут ичида пиширилади. Бу плиталарга архитекторлар буюртмасига кўра ҳар қандай ранг бериш мумкин.



Бунёдкор

Атрофга сўлим оқшом чўка бошлаган бўлишига қарамай объектда иш қизиди. Бошларига каска кийиб олган бинокорлар одатдагидек яна фидокорона меҳнатга бериладилар. Бу ҳол улар учун янгилик эмасди. Қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш юзасидан қурилган муҳим тадбирлар қурувчиларини ана шундай омилдорлик билан иш юритишларини тақозо этади. Бир зум қўлидаги лавандиш ускунасига тин бериб қурилиш майдонига рази солган Қўямнинг вужуди қайраб кетди. Кўнлик сурат бир қарашдаёқ кўзга ташланди турарди. Қўйилган темир-бетон конструкциялари, панеллар уйлари қаватларини тобора юксалтириб бораётганди.

Шу дамда моҳир электропайвандчининг хаёлидан болалик йиллари кечди. Шўх, аммо қобилиятли бола-кай йўл бўйида тикланаётган уйлари қўганида нуқул ўзини унутиб, қурувчилар меҳнатини ҳажжон билан кузатарди. Яратувчилик, яшнатувилик ишига меҳри ана ҳам ошарди. Умр қарвон болалигининг беҳаловат кўнларини ортда қолдирди. Қўп йиллик орузлари ушалаб, Қўям мақсадига етди. Йирик панелли 1-ўйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармасида

тажрибали бинокорларнинг бирига шогирд тушди. Ойлар ўтиши билан мустақил ишлашни ўзлаштириб олди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Аммо шу вақтгача у қурган уйларида яшаётган оилаларнинг сон-саногига етиб бўлмайди. Бундан Қўям Шерқўзиев фақат қувонади. Ҳамшаҳарларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан куч-гайратини алмайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки даврининг ўзи ҳар бир кишидан шундай ишлашни, меҳнат муваффақиятларини тобора бойитиб боришни тақозо этмоқда. Янги мақсадлар сари дадил руҳлантираётди. Юқори раъзрди моҳир бинокор ҳам ана шу юксак масъулиятдан ҳеч қачон четда қолган эмас. Ундаги ҳалоллик, ишга фидойилик коллектив қамолига мустаҳкам замин қўяпти десак хато бўлмайди.

Шаҳримизнинг кўпгина жойларида бўлгани каби «Қўйлик—6» массивининг бутунги жамоли ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб боришти. Уни Қўям ва у сингари қўли гул қурувчилар яшнатишмоқда.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

● СУРАТДА: Қўям Шерқўзиев.

Т.Каримов фотоси.

Саломатлик маркази

Ҳамза районига «Хотин-қизлар консултацияси» шифохонаси биносини қурилишига киришилди. Бино лойиҳасини «Ташнипрог» институтини мутахассислари ишлаб чиқарган. Бинонинг ташқи деворларини безашда пардозли қошиқлар ишлатилди. Деразалар олдида кўш нуридан ҳимоя қилиш воситалари ўрнатилди. Оналар ва болалар саломатлиги учун хизмат қиладиган шифохона қурилишига 100 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Бинокорлик ишларини «Главташкентстрой»нинг 12-трестига қарашли 30-қурилиш бошқармасининг А. Чистаков бошлик бригада аъзаматлари ўз зиммаларига олган. Коллектив ишчиларининг ҳисоб-лаб қилиб, янги саломатлик масканини яқин ойларида фойдаланишга топширишга бел болаган.

З. ФАЙЗУЛЛАЕВА.

ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ АҒҒОНИСТОНДА

3 август кунини Ўзбекистон пойтахти аҳолиси икки минутгача ер қобиғи тебраниганлигини сезиб турди.

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2—3 балл куч билан бир қедар кўпроқ даражада тебраниш зилзила учоғи бу қарйида чўқурроқ жойлашган

олисдаги табиий офатнинг акс-содасидир. Тебранишнинг учоғи Тошкентдан 500 километр нарида Ҳиндикуш тоғларидадир. Сейсмик тўқини Тошкентга маҳаллий вақт билан соат 12 дан 44 минут ўтганда етиб келди.

Республикамизнинг каттагина территориясида ва Тошкентда ер силкини — Душанба, Фарғона, Жиззах ва Самарқандда унинг кучи балла етди. [ЎЗАТ].

ТЕЗИСЛАРИ

Йигирманчи чақирик Тошкент шаҳар Советининг бўлажак олтинчи сессиясига

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иш планига мувофиқ 1988 йил 28 августда йигирманчи чақирик шаҳар Советининг олтинчи сессияси бўлади.

Депутатлар муҳоказасига «1986—1990 йилларга ва истиқболдаги 2000-йилгача мўлжалланган «Саломатлик» комплекс программасини амалга ошириш юзасидан Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалар тўғрисида»ги масала киритилмоқда. Тошкент шаҳар Совети, доимий қосмонлар ва шаҳар Советининг ижроия комитети кўриб чиқиш учун тақдим этилаётган масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, фикр алмашувларини ҳисобга олтиш, ўтган йилнинг ўрталарида ижроия комитетининг қарори билан тасдиқланган «Саломатлик» комплекс программасига жиддий тузатишлар киритиш, унда социал-иқтисодий, экологик ва инсон сийҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш билан болғик муаммоларни тўлароқ ақс эттириш мақсадида тезисларини шаҳар аҳолиси муҳокази қилиш учун олдиндан эълон қилишга қарор қилилган.

Шаҳар Совети депутатлари муҳоказасига аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш билан болғик барча масалалар ўз ифодасини топади, таҳрир этилган «Саломатлик» комплекс программаси киритилади.

Инсон сийҳат-саломатлигини муҳофаза этишдек муҳим социал масалани муҳоказида иштирок этадиган барча ўртоқларга олдиндан миннатдорчилик билдирилади. Шаҳар соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштиришга доир тақдирий мулоҳазаларининг, аниқ тақдирларинингизни қутамиз.

«1986 — 1990 йилларга ва истиқболдаги 2000 йилгача мўлжалланган «САЛОМАТЛИК» КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

Барча совет кишилари каби Тошкент меҳнаткашлари КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси қарорларини амалда бўбга чиқариш устида ишлармоқдалар. Умум қайта қуриш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишга иштирокчилар. Конференцияда қабул қилинган резолюцияларда соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитини муҳофаза этиш, умумтаълим маданиятида ва унинг айрим регионларида экологик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинган программаларни суҳбаси амалга ошириш муҳим вазифалардан, деб эътироф этилган. Мазкур тармоқлардаги ана шу тадбирларнинг ҳаммаси халқ манфаатига, социал ориентацияга, иш самарадорлигига асосланган лозим.

Саломатлик — ҳар бир киши учун бахт ва эъзулик нишониси бўлиб, меҳнат умумдорлигини, мамлакат иқтисодий қудратини ва халқ фаровонлигини оширишнинг зарур шарт-шароитидир.

Саломатлик — мамлакат социал-иқтисодий, экологик, демографик, санитария-гигиена ҳолатининг ўзига хос кўрсаткичи. У экономика, меҳнат, турмуш, маданият, бун вақт соҳаларидаги ҳар қандай салбий ўзгаришларга сезгирлик билан ўз муносабатини билдиради. Шунинг учун ҳам аҳоли сийҳат-саломатлигига тараққийнинг энг муҳим социал индикатори сифатида қараш, соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоларини кенг социал нуқтаи назардан ўрганиш муҳимдир.

Қатор совет ва ҳорний тадиқотларнинг маълумотларига кўра аҳоли сийҳат-саломатлиги 50 процентдан зиёдароқ ҳолларда турмуш тарзи билан болғик. Сийҳат-саломатлигининг

15—20 проценти атроф-муҳит ва ана шунча проценти ирсият ва соғлиқни сақлаш системаси билан болғидир. («Коммунист» журналин, 14-сон, 1987 йил, сентябрь, 60-бет).

Тошкентда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан комплекшлаш, замонавий техника воситаларини билан жиҳозлаш юзасидан муайян ишлар олиб бориляпти. Шунинг айтиш қийоа бўлса керак, сўнгги ўн икки йил мобайнида шаҳарда 6750 ўринли касалхоналар ва бир сменада 12 мингдан зиёд беморни қабул қилдиган поликлиникалар қурилди. Ўн биринчи беш йилликда даволаш-профилактика муассасалари қурилишига қарийб юз миллион сўмлик ҳажмда капитал маблағлар сарфланди. Акмал Иромоов, Қўйишев, Октябрь, Киров районларидаги туруқхоналар, Тошкент Давлат медицина институтининг янги комплекси каби замонавий объектлар, қатор поликлиникалар ва дорихоналар бунёд этилди.

Шу йил Тошкент Давлат медицина институтининг 360 ўринли клиник касалхонасини, бир сменада 120 бемор қабул қилнадиган баромарказни, Тошкент Давлат медицина институтини тузар жой массивида бир сменада 600 беморни қабул қилдиган поликлиника ва бошқа қатор объектларни бунёд этиб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Сайловчиларнинг нақзалари билан ва «Саломатлик» программасига мувофиқ шу йил 3-Қорасув, Марказ—17/18 микрорайонларида, Юнусовод массивининг СГ—3 микро-

районига поликлиникалар, Акмал Иромоов районининг 24-қаватлида ва 3-Қорасув микрорайонига стоматология поликлиникалари қурилиши бошланди. Қатор заводларнинг ишчилари учун профилакторийлар қурилиши олиб бориляпти. Бутунги кунда шаҳарда қарийб 33 минг ўринли 91 касалхона, бир йўл 440 минг беморни қабул қила оладиган 247 амбулатория-поликлиника муассасалари, 2435 ўринли туруқхоналар, 145 дорихона бор.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоқларини кенгайтириш фақат янги қурилишлар ҳисобигагина эмас, ана шу мақсадлар учун топширилаётган маъмурий ва бошқа иморатларни реконструкция қилиш ҳисобига ҳам кенгаймоқда. Шуларнинг эвазига 1986—1988 йиллар мобайнида қўшимча 1800 ўринли касалхоналар, бир сменада 3350 беморни қабул қилдиган поликлиникалар очилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети аҳолига медицина хизматини яхшилашда Тошкент шаҳрига катта ёрдам бериляпти. Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва уни яхшилаш юзасидан кеңитириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида масала шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига муҳокази қилинди. Унда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари раҳбарларининг, ҳўжалик раҳбарларининг диққат-эътибори соғлиқни сақлашдаги мавжуд камчиликларга жиддий равишда жалб этилиб, уларни бартараф этиш, регионда соғлиқ-

ни сақлаш системасини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Республика партия ва совет органлари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги тўртинчи Бош бошқарманинг Ашхобод кўчаси 3-уйдаги бирлашган клиник касалхонасини, унинг Фрунзе кўчасидаги поликлиникаси ва Яқуб Қолаш кўчасидаги болалар бўлими билан биргаликда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига топширишни лозим деб топди. Ю. Фучик кўчасидаги болалар бўлими биносини, Жуновский кўчасидаги марказий поликлиника шаҳар поликлиникаси иштирокида ўтказилди. Мазкур объектларда андида шаҳарнинг тегишли районлардаги аҳолиси фойдаланиши мумкин.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг профилактика йўналиши халқ сийҳат-саломатлигини муҳофаза этишнинг асосий принципи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. В. И. Ленин В. Д. Бонч-Бруевич билан суҳбатлардан бирида: «Санитария-ҳамма нарса деган гап. Бу барча касалликлар профилактикаси. Биз беморларни даволашни жуда яхши қўямиз. Ҳалок бўлганлар тўғрисида афсус чекамиз, касалликларнинг, жуда эрта, барвақт ўлимларнинг олдини олиш учун эса жуда кам иш қиламиз», деган эди. Экономика ва фан-техника тараққийнинг ҳозирги юксалиш шартларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги профилактика ишлари айниса муҳим аҳамият касб этади. Профилактика борасидаги муваффақият кўпгина омиларга, энг аввало давлат ва ҳўжалик

муассасаларининг, соғлиқни сақлаш ва жамоат ташкилотларининг кенг қўламли соғломлаштириш-профилактика тадбирларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан болғидир. Бу система тор идоравий муаммолар доирасидан чиқиб, касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлашга, инвазидлик ва ўлимни камайтиришга, саломатлигини мустаҳкамлаш ва актив ҳаётини фаолиятини қўзишга қаратилган комплекс планли умумдавлат медицина ва социал тадбирларини ўз ичига олади. Ана шу вазифани ҳал этишда фақат соғлиқни сақлаш органлари эмас, ҳамма иштирок этиши лозим.

«Саломатлик» комплекс программасида касалликлар профилактикаси алоҳида бўлим ажратилган. Уни амалга ошириш мобайнида муайян муваффақиятларга эришилган бўлишига қарамай, очигини айтиш керак, ҳали бу муваффақиятлар маҳаллий Советларини, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларини, жойлардаги соғлиқни сақлаш органларини ва энг муҳими, Тошкент аҳолисини ҳали қаноатлантирмайди. «Саломатлик» программасида бутун шаҳар аҳолисини диспансерлаштириш ўтказиш босқичлари белгиланган бўлиб, бу ишлар 1995 йилга келиб, нидосяига етказилди. Шаҳарда профилактиканинг 42 бўлимида диспансерлаштириш ўтказиш учун «КАСМОН» автоматлаштирилган системаси жорий этилган. 1987 йилга келиб, шартли контингентнинг 62 проценти диспансерлаш билан қамраб олинди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши1-бетда).

Диспансерлаш профилактика ишларининг бир қисми ҳолос. Биз касалликларнинг кўп жиҳатдан оқибат эканлигини, уларнинг сабаб атроф-муҳит билан, турмуш, меҳнат, дам олиш шарт-шароитлари билан боғлиқ эканлигини тушунамиз. Агар турмуш тарзини оштира олганда, табиқат билан нормаларга жавоб берадиган бўлса, бу ҳолатда у саломатлигини, юксак ишчанлик қобилиятини ва аҳолининг ижодий узоқ умрини қайта тиклаш асоси, касалликларнинг кескин қамайтиришнинг омилли бўла олади. Амалий турмушда бунга эришиш учун бизнинг назариямизда кенг маънода оилани планлаштиришнинг ўрганишимиз лозим, chunki жамиятнинг ҳозирги тараққиётида планлаштириш масалалари соғлом инсонни тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Бу йўналишда ҳали методик қўлланмалар йўқ, бу борада фан ўз фикрини ҳали айтмади.

1987 йилги касб касалликларининг таҳлили шунинг кўрсаткичида, бунда нафас олиш йўллари хасталиги (25 процент), ички томонлама нефрит (25 процент), вибриция хасталиқлари (15 процент) салмоғи энг кўп экан. 1987 йилда санитария-эпидемиология хизматлари «Узбексельмаш» бирлашмаси, «Таштэкстильмаш», трактор, экскаватор, «Компрессор» заводларининг кўчоҳ цехларини ёпиб қўйган эди. Ана шу сўнгги чоранинг қўлланганишга маъзур корхоналар ҳўжалик раҳбарларининг санитария врачларининг санитария соғломлаштириш тадбирларининг амалга ошириш зарурати ҳақидаги тавсияларига ўз вақтида амал қилмаганликлари сабаб бўлди. Ана шу тадбирларнинг кейинги тавсиялар баъзилари бу касб касалликларини қамайтириш имконини берди. Ваҳоланки, ана шу корхоналарда техника ва хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини кузатишга даъват этилган касб соҳаси комитетлари бор. Негиз улар ишламайти, ҳўжалик раҳбарлари олдиға талабларни қўйишмайди? Бугунги кунда касаб соҳалари жуда катта куч ва бу куч тўла қувват билан ишлаши керак.

Касаба соҳалар ҳамма ерда меҳнаткаш хотин-қизлар ҳақида гамхўрлик қилишлари лозим. Аммо бу борада ҳам улар ҳамма ерда қатъий ва принципиаллик кўрсатмаптилар. 8 мингдан зиёд хотин-қиз шовқин ва вибриция нормадан зиёд бўлган шароитда, қарийб 15 минг хотин-қиз газ ва чанг босган шароитларда ишлаётганлиги, қарийб 2 минг хотин-қиз оғир жисмоний меҳнат билан машғул эканлигини шу билан изоҳлаш мумкин, ҳолос. «Таштэкстильмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, экскаватор заводи, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси каби корхоналарда аҳвол ана шундай.

Ҳаммаиси бундай ҳолатларга барҳам бериш, шарт-шароитларни амалдаги нормативлар ва қонуналарга мувофиқ ҳолга келтириш учун оғзаки сўздан амалий ишға ўтишимиз зарур.

Шаҳар ва ўрта район санитария-эпидемиология хизматлари комплекс профилактика тадбирларининг олиб боришда, бу юқумли ва касб касалликларининг қамайтириш ижодий таъсир этипти. 1987 йилда ич термала касалликларини 1986 йилда нисбатан 34 процентга, қизамик касаллиги қарийб ярмига, сув чечак касаллиги 38 процентга, дастлабки диагноз қўйилган касб касалликлари 50 процентга қамайдди. Шу йилнинг биринчи ярмида юқумли ва касб касалликларининг янада қамаийб бораётганлиги кузатиламоқда.

Шу билан бирга, эътироф этиш керакики, шаҳарда ноҳус эпидемиология вазият сақланиб турибди, бу шаҳарнинг аҳоли соғлигини муҳофаза этишға даъват этилган барча хизматларининг хотиржамликига берилишға йўл қўймайди. Юқумли гепатит, ич бурғу, сальмонеллез ва қатор бошқа юқумли касалликлар билан хасталишн даражаси юқориликча қолди. Бунинг асосий сабаблари айрим ҳўжалик раҳбарларининг санитария нормалари ва қондаларни бузаётганлиги, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилаётганлиги, ҳаво ва сув муҳитининг саноат корхоналарининг зарари чиқиндилари билан бўлгангаётганлиги, уй-жойлардан, айниқса, ертўлалардан нотўғри фойдаланилаётганлиги, мактабгача болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникаларнинг ҳаддан ташқари гажжумлиги, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш қондалари бузилаётганлиги, болалар боғчалари, соғлиқни сақлаш муассасаларида санитария қондаларининг бузилаётганлигидир. Қўрибди турбодики, масалалар доираси нияоятда кенг. Шаҳар аҳолисининг сийҳат-саломатлиги охири-оқибатда ана шу масалаларнинг ўз вақтида, ижодий ҳал этилишига боғлиқ.

Шаҳар меҳнаткашларидан территориялар ўз вақтида тозаланаётганлиги, ахлатларнинг ўз вақтида олиб кетилаётганлиги ҳақида халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига, маҳаллий газеталар редакциясига, телевидениега жуда кўп адолатли шикоятлар тушмоқда. Чиндан ҳам ана шундай ҳоллар мавжуд. Шу билан бирга бир неча марта биз аҳоли диққат-эътиборини ҳар икки йилда шаҳар Советининг сессияси томонидан тасдиқланадиган санитария ва ободонлаштиришнинг белгиланган нормаларига риоя қилиш лозимлигига жалб этган эдик. Тошкент майда участкалари тақсимланган бўлиб, ана шу участкаларнинг санитария ҳолати ва ободонлаштирилишини корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кузатиб боришлари лозим. Уларнинг ақсарияти маҳаллий маъмурларнинг талабларини бажаришппти. Аммо, бу район ижроия комитетларининг вазифаси, деб ҳисоблаётганлар ҳам йўқ эмас. Айрим район Советларининг ижроия комитетлари ўзларига берилган ҳўқуқлардан фойдаланишини ўрганмаганликлари, ана шундай ҳўжалик раҳбарларидан қатъий талаб қилимаётганликлари туфайли шундай аҳвол вужудга келган бўлиши мумкин. Турар жой органлари жойларда, микрорайонлар ичиди, айниқса, шаҳар чеккаларида ободонлаштириш ва санитария масалалари билан кам шугулланишди.

Шаҳар уй-жой бошқармаси, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари, истиқомат жойлари бўйича аҳоли биргаликдаги куч-ғайрат билан район территорияларида тегишли санитария тартибини ўрнатишлари, санитария ва ободонлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Советининг қарорини барча оғишмай бажаришини талаб қилишлари лозим.

Умумий овқатланиш корхоналарида, сўт комбинатларида ва нон заводларида санитария-гигиена режимиға риоя қилиниши, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини таъминлаш жиддий ташвишлантиради. Санитария-эпидемиология хизматлари ўтказган лаборатория назорати маълумотларига кўра, умумий овқатланиш бош бошқармаси ишлаб чиқарган жами текширилган пазандалик маҳсулотларининг 18 процентдан зиёдорлиги бактериялар билан ифосланганлиги аниқланган. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 5 проценти озиқ-овқат магазинларида уларни сақлаш ва реализация қилиш жараёнида ифосланган. Тошкент сўт бирлашмаси (Н. А. Мухаддинов) текширилган маҳсулотлари 45 процентидаги сифати бактериология кўрсаткичлари бўйича давлат стандартлари талабига жавоб бермаслиги билан чиқишиб бўлади? Тошкент области ҳўжаликларидан

олинаётган сўт белгиланган 16—21 даража ўрнига ақсарият ҳолларда 30 даража ҳарорат билан олинади, атиги 3 процент ҳолларда сўт 10 даражагача бўлган нормал ҳарорат билан олинади. Нон-булка маҳсулотларининг сифати ҳақида кўп гапирмасан, амалда 20—30 йилдан бери капитал ремонт қилинмаган, реконструкция олиб борилмаган ақсарият нон заводларининг санитария-техник ҳолати юксак даражада эмас. Шаҳарда бундай аҳвол шунинг учун вужудга келганки, ана шу корхоналарнинг ҳўжалик раҳбарлари вазиятга қўниқиб қолишган, қайта қуриш ҳали уларға етиб бормаган йўқ, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси (Мироткиев), район санитария-эпидемиология станциялари эса ана шу раҳбарларга нисбатан мавжуд қонуналарга мувофиқ жиддий чоралар қўриш ўрниға фактларини қайд этишда давом этипти. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари ҳам санитария ва гигиена соҳасидаги қонуналарни бузаётган раҳбарларға етарли даражада принципал баҳо беришмапти.

Шаҳар ва район санитария-эпидемиология станцияларига, санитария милициясига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига ишлаб чиқариш чиқиндилари билан шаҳар сув ҳавзаларини мунтазам бўлғаб келаятган ҳўжалик раҳбарларидан жиддий талаб қилиш пайти келди. Жануби-ғарбий саноат зонасида жойлашган саноат корхоналарининг 80 проценти каналлаштирилмаганлиги, шаҳар территориясининг каналлар билан 63 процент қамраб олинганлиги билан нима учун улар шу вақтгача чиқишиб келишди?

Ишлаб чиқилган тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида 1987 йилда атмосферага олтингулт газ, фенол, олтингулт водороди, чанг, азот кислоталари ва бошқа зарарли моддаларни чиқариш 1986 йилга нисбатан бирмунча қамайдди. Шунга қарамай, бу кўрсаткичлар йўл қўйиш мумкин бўлган концентрация нормасидан юқориқ. Зарарли моддалар чиқиндилари умумий сонининг қарийб 65 проценти автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади. Автотранспорт ҳўжаликлари автомашиналарини, автобусларини, енгил таксиларини газ ёқилмаси билан ишлашға сусткашлик билан ўтказишппти.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси (Б. В. Путинцев) ҳаво ҳавзасини муҳофаза қилиш борасида йўл ҳаракати қондаларини бузувчиларға қарши етарли даражада фаол кураш олиб бормаяпти. Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ана шу йилда янада активроқ позицияни эгаллашди лозим.

Шаҳар экология муҳитини Тошкент областида жойлашган корхоналар ҳам бузишти. «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа бардошли металл комбинати, Оҳангарон цемент комбинати шулар жумласидандир. Биз Тошкент области ижроия комитетидан маъзур корхоналарнинг Тошкент сув истеъмол қилаётган оқиқ каналларига чиқиндиларини янада самарали тозаловчидан сўнг ташлаши юзасидан барча масалаларнинг кеңитирилмай ҳал этилиши борасида тадбирлар қўришини илтимос қилардики.

Шаҳарда атроф-муҳитини янада соғломлаштириш мақсадига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мўлжалланяпти: чиқиндиларни қайта ишловчи иккинчи заводни лоийҳалаштириш ва қурилишини жадаллаштириш; кўп юқ қўтаридаган ахлат ташин машиналарни учун фойдалан ақсарият масалаларини Ўзбекистон ССР Давлат план комитетида ҳал этиш; қуёв ишлаб чиқаришини марказлаштириш ва атроф-муҳитини ифослантйраётган корхоналар, цех ва ишлаб чиқаришларни 1990 йилгача даврга мўлжалланган Тошкент шаҳри ва унинг шаҳар чекка зоналари бош планиға мувофиқ равишда Тошкент шаҳрини ҳаддан ташқарига ёки ақсариятдан саноат зоналарига кўчирилишини таъминлаш шулар жумласидандир. «Автотормехбаза» ҳодимларининг меҳнатига қияриб ташланган чиқиндилар ҳажмиға қараб эмас, бириктириб қўйилган участкаларнинг озодлиги ва санитария ҳолатига кўра ҳақ тўлашдек тадбирнинг амалга оширилиши ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисобламиз. Шаҳар аҳолиси бу ҳақда қандай фикрда? Мактабгача болалар муассасаларини иҳчамлаштириш мақсадида кооператив асосидаги кичик мактабгача болалар муассасаларини ташкил этиш ҳақидаги таклиф ҳам назаримизда эътиборда молик. Ана шу йўналишда автотранспорт ҳўжаликлари атроф-муҳитининг газ билан бўлганиши масаласини олиб ташлаш учун қўпгина ишларни амалга оширишлари лозим. Буларнинг ҳаммаси «Саломатлик» программасида ўз ифодасини топти.

Шаҳар ва район санитария-эпидемиология станциялари, шаҳар уй-жой бошқармаси, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари уй-жой биноларининг ертўлалари чивиллар маконига айланиши қаби иллат билан муроса қилиб келишппти. Шу йилнинг 18 ойлита келиб, маҳаллий Советларга қарашли 278 турар жой биносининг илдораларға қарашли 36 турар жой биносининг ертўлаларини сурунка ва вақти-вақти билан сув босяётганлиги қайд этилган. Сўнгги икки ой мобайнида 146 ертўлада чивилларнинг тарқалаётганлиги аниқланган. Ваҳоланки, маъзур органлар фактларини қайд этишганина эмас, уларни бартараф этиш юзасидан чоралар қуришға ҳам даъват этилган. Уй-жой органлари, район ижроия комитетларининг ҳодимлари аҳволни ўнглаш тўғрисида жуда кўп ваъдалар беришган, аммо амалий ишлар қуришмайпти. Шаҳар Советининг ижроия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин ертўлаларни сув босиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ва ертўла хоналарини тегишли санитария ҳолатига келтириш юзасидан шочилиш чора-тадбирларни қуришлари лозим. Аҳолини кеңитиримай ўнглаш керак, ақс ҳолда турли касалликлар тарқалиши мумкин.

Шаҳарда ҳозир 630 дан зиёд мактабгача болалар муассасалари бўлиб, уларда 128 минг ўрин бўлган ҳолда 160 минг бола тарбияланимоқда. Сўнгги ўн икки йил мобайнида 46 мингдан кўпроқ ўринға эға бўлган мактабгача болалар муассасалари ишға туширилди. Қурилишини юқори суърталарига қарамай аҳолининг ана шу муассасалар билан таъминланганлиги муаммоси кескин бўлиб турибди. 1988 йил бошланишида келиб, мактабгача болалар муассасаларидан ўрин олиш учун навбатда турганлар 23846 кишини ташкил этиди. Аслини олганда, ҳар олти болалар боччасидан бири техника ва санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган мослаштирилган биноларда жойлашган бўлишди, бу болаларнинг хасталишанишга шарт-шароит яратадди. Бу, айниқса, Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Октябрь районларидаги мактабгача болалар муассасаларида таъаллуқлидир. Нормативларга бўйича бир тарбияланганча энг азигағ асли гуруҳларида 30 бола, болалар боччаларида 25 бола тўғри келиши керак. Аслида 40-45 бола тўғри келади. Бу нормалардан қарийб икки баравар кўп. Эҳтимол

болалар боғча ва яслиларидиға касалликларнинг сабаби ҳам шу билан боғлиқдир.

1989 йилдан бошлаб мактабгача болалар муассасалари қурилишида ақсариятданги маблаглар кескин қўпаяди, ана шундай объектларни фойдаланишға топириш қарийб икки баравар ошадди. Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи органлари болалар сийҳат-саломатлигини юксак даражада кузатиб боришлари, профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказишлари, болаларнинг сурункали касалликларини аниқлаб, уларни даволашлари, мактабгача болалар муассасаларида намунали санитария тартибини таъминлашлари лозим. Санитария-эпидемиология хизматлари эса маъзур муассасаларда санитария ва гигиенаға риоя этилишини доимий назорат қилиб боришлари керак.

Мактаб таомлари комбинатлари, мактаб ва мактабгача болалар муассасаларининг ошхоналаридаги санитария ҳолатига ҳам эътибор бериш зарур. Бугунги кунда Сорели ва Акмал Икромов районларидаги комбинатлар санитария талабларига жавоб бермайди. Халқ маорифи бош бошқармаси (М. П. Юсупов), умумий овқатланиш бош бошқармаси (А. З. Усмонов) ана шу ерларда қатъий тартиб ўрнатишлари керак. Бу талабига харажатлар ва ресурсларни талаб қилмайди, хоҳиш-истаси ва болалар тақдирини учун масъулият ҳисси бўлса бас. Болалар таомни тайёрланадиган комбинатларини совутиш мослашмаси бўлган махсус транспортлар, ускуналарни стерилизациялаш учун автоклавлар билан таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш учун лаборатория ташкил этиш ҳақида ҳам ўйлаб қўриш керак. Ўртаға қўйилган масалаларни ҳал этиш учун имкониятлар мавжуд, улардан тўла фойдаланиш лозим, ҳолос.

Даволаш профилактика муассасаларида жиддий аҳвол вужудга келган. Аслини олганда шаҳарда иккинчи иҳтиссоланган юқумли касалликлар стационари мавжуд, уларнинг ақсарият хизматлари мослаштирилган биноларда жойлашган, уларда ҳар бир беморга нормативда қўригилган 7 квадрат метр ўринта 2,5—4 квадрат метр майдон қўригилган. Шаҳардаги юқумли касалликлар шифохоналариди 1120 ўрин этишмайди. Айни пайтда архитектура-планлаштириш бош бошқармаси (А. А. Умаров), «ТашНИИПГенплан» институт (Л. Т. Адамов), капитал қурилиш бош бошқармаси (М. Н. Абдуллаев), соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (В. П. Русинов), Тошкент шаҳар ижроия комитетининг план комиссияси (Қ. А. Солиқов) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг юқумли касалликлар шифохоналарини лоийҳалаштириш ва бунёд этиш бўйича кўрсатмалари юзидан зарур чора-тадбирларни қўрмадилар. Қўриатиб ўтилган объектлар қурилиши борасида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига (Е. Ф. Забков) ҳам аҳвол шундай. Номини тилға олинган раҳбарларға шаҳар аҳолиси учун ниятда зарур объектларға ўз муносабатларини ўзгартириш пайти келди. Беш йилликнинг охириға қадар аҳолини ўнглаш учун ҳали вақт етарли.

Тугруқхоналардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Туя гўшти еган бундай объектлар ўтган йили ва шу йили нийҳосига етказилганға қарамай, тугруқхоналарнинг 80 процентдан зиёди мослаштирилган биноларда жойлашган. Уларда ҳаддан ташқари одам кўп, бир ўринта тўғри келмайдиган майдон нормативидан икки баравар кам. Маъзур объектларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ва жиҳозлаш борасида ҳам барча ишлар амалға оширилган эмас. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, шаҳар санитария-эпидемиология станцияси тегишли ҳўсалалар чиқариб, аҳолини тузатишлари керак.

Капитал қурилиш бош бошқармаси, шаҳар план комиссияси, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, архитектура-планлаштириш бош бошқармаси, маъмурий ва нотураж жой биноларини эксплуатация қилиш бош бошқармаси (В. И. Окороков), халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетлари шаҳарнинг бош плани ва «Саломатлик» комплекс программасига тўла мувофиқ равишда соғлиқни сақлаш объектларини лоийҳалаштириш ва бунёд этиш масалаларини янада оперативроқ ҳал этишлари, шунингдек, бўшаётган маъмурий биноларни даволаш-профилактика муассасаларига мослаб қайта жиҳозлаш учун ақсариятлар керак.

Соғлиқни сақлашнинг бош вазифаси — аҳолиға юксак маалакли медицина хизмати қўришдир. Бу соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини тубдан қайта қуришни таково этади. Энг аввало ана шу муассасаларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш, диагностика марказлари тармонинг кеңайтириш, поликлиникалар ҳўзурида фаол даволаш бўлимларини ва ўйларда диагностиканинг ҳозирги замон усулларини қўлланиб, бепул дори-дармонларни ақсарият, стационарлар ташкил этиш керак. Кўп профили касалхоналар ва иҳтиссоланган марказлар тармонини кеңайтириш тўғрисида деб ҳисоблансин. Бу борада шаҳар жиддий ортда қоляпти. Планлаштирилган кўп профили касалхоналар партия ва совет органларининг маълум қарорларида қўзда тутилганиға қарамай, лоийҳалаштирилмапти ва қурилмапти. Меҳнати ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада пудрати соғлиқни сақлаш практикасига сусткашлик билан жорий этилппти. Ҳозирча турт муассасадан ана шу илор ва ўзини оқлаган усул бўйича 24 бригада ишлаппти. Ана шу бригадалар 267 кишини бйлаштирган ҳолос. Бу ниятда кам. Бунда соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари йўл қўйган қамчиликлар қўрииб турибди.

Ҳали ҳам тез медицина ёрдами хизматини фаолият аҳолининг қўлаб шиқоятлари ва эътирозларига сабаб бўляпти. Ушбу хизмат махсус транспорт ва алоқа восталари, ҳозирги замон техникаси, зарур дори-дармонлар билан етарли даражада таъминланмаган. Ақсарият тез ёрдам станцияларини мослаштирилган биноларда жойлашган. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (Е. Ф. Забков) Тошкент шаҳрида қуришлаган минг ўринли «Тез ёрдам» касалхонасини лоийҳалаштиришға ҳатто киришгани ҳам йўқ. Ваҳоланки, объект 1990 йилда ишға туширилиши лозим.

Ун иккинчи беш йилликда ва 2000-йилгача бўлган даврда аҳоли саломатлигини муҳофаза этишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш қайта қуришнинг асосий йўналишларида: оналик ва болалик муҳофаза этилишини ҳар томонлама ривожлантириш ва тақомиллаштириш совет соғлиқни сақлаш системасини бош йўналиши деб ҳисоблансин, деб қайд этилган эди. Аёллар консултациясини ишчи қайта қуриш, ҳомиладор аёллар диагностикаси кабинетларини, «Нихоҳ ва оила» консултацияларини, медицина-генетика кабинетлари ва болалар учун қайта тикловчи даволаш марказларини ташкил этиш вазифаси қўйилган эди. Ушбу йўналишда шаҳарда муайян ишлар олиб борилипти, аммо белгиланган тадбирларни амалга оширишини мавжуд суърталари қайта қуриш талабларига жавоб бермайди. Шаҳарда медицина-генетика консултациясини, «Нихоҳ ва оила» консултациясини ишлаб турибди. Уларда маалакли юристлар, психологлар ва бошқа мутахассислар меҳнат қилишппти. Туғилиш ва ўлим энг юқори бўлган районларда (Октябрь, Собир Раҳимов районлари) микропедиярия участкалари ташкил этилган бўлиб, шу ерларда бир ешға тўлган болалар кузатиб бориляпти. Шу билан бирга олиб бораётган ишлар ҳали етарли эмас экан. Оқибат натижа — болалар ўртасида ўлим юқори даражада қоляётганлиги қўриатибди. Шу йилнинг биринчи ярмида қўриб тутилган болалардан 34 нафардан кўп, Октябрь районида эса 30 нафар бола ҳалок бўлган. Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг вазифаси барча меҳнат на ҳодимлари куч-ғайратини оналик ва болалик муҳофаза этилишини ҳар томонлама ривожлантиришға сафарбар қилишдан иборат.

КПСС Программасида: «...Еш авлоднинг сийҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва уни тарбиялашда, жамиятнинг иқтисодий ва социал тараққиётини таъминлашда, демография жараёндарини яхшилашда оила муҳим роль ўйнайди», деб таъкидланади. Сийҳат-саломатлик ва ижодий узоқ умрга пайдовер болаликда қўйилиши ҳам аёнидир. Шунинг учун ҳам ҳозир гигиена соҳасидаги дастлабки билимлар мактаб партасидадиган сингидир борилишиға катта аҳамият бериляпти, бу билимларни сир сақлаш мумкин эмас.

Соғлом бўш вақт замонавий индустриясини ташкил этиш тўғрисидаги масалани жиддий қўйиш зарурати ҳам пишиб етилди, зеро дам олишни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда умумдаволат аҳамиятини касб этмоқда. Афсуски, бўш вақтдан ҳамиша ҳам саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланилаётгани йўқ. Биз инсон саломатлигини пугурдан кетказаятган, болалар туғилишға ҳалокати қатъир эътаётган ичкилик-бозлик, алкооголизм, гўхандалик ва фоҳиша-бозлик каби салбий иллатларни таг-туғи билан тугатолмадик. Бу ҳақда ошқора гапирши керак, кейинчалик ҳаётда асқотадиган соғлом одатларни болаликдан тарбиялаш лозим. Бундай тарбияни энг аввало оилада ота-оналар, мактабгача болалар муассасаларининг тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юрталари ва техникумлар, ҳўнар-техника билим юрталарининг педагоглари олиб боришлари керак. Маъзур мураккаб ва муҳим муаммони умум куч-ғайрати билангина ҳал этиш бўлади. Маъзур масала юзасидан депутатлар эътиборига энг қизик мулоҳазаларни ҳавола этиш ва ушбу муаммоға алоқадор барчаннинг ички ҳаракат йўналишини белгилаб чиқиш учун мутахассисларнинг, ота-оналарнинг, суҳбатда иштирок этиш истагини бйдиртган ҳам-манинг фикрини эътишгани хоҳлар эдик.


Аҳоли сийҳат-саломатлигини мустаҳкамлашда, шахсини ҳар томонлама ривожлантиришда, ёшлари Совет Армияси сафарига хизматға тайёрлашда физкультура ва спортнинг аҳамияти тобора ошиб бораляпти. Шаҳримизда 612 киши стадион, 400 дан зиёд спорт заллари, 212 киши мунтазам физкультура ва спорт билан шугулланаппти. Шу билан бирга қайд этиш керак, физкультура ва спорт ҳар бир хонадонға, ҳар бир оилаға ҳали кириб бормаган йўқ. Бу ана шу йўналишдаги пропаганда ишлари паст савияда эканлигидан далолат беради. Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитети (А. Г. Лукин) ана шу муҳим ишда ўзининг муносиб ўрнига толгани йўқ. Уни спортнинг оммавийлиги эмас, рекордлар, спорт мастерлари ташвишлантиришда давом этапти.

Шаҳар аҳолисининг тахминан 40 проценти у ёки бу даражада семизликдан азият чекаётганлиги ҳақида ҳаммамиз биргаликда ўйлаб қуришимиз керак. Улар ўртасида миокард инфаркти, қандили диабет, юракнинг ишемик хасталиги билан оғриш нормал вазндагиларға нисбатан уч-тўрт баравар юқори. Келин, кўпроқ аҳолини, айниқса болалар ва ўсмирларни физкультура ва спорт машғулотларига жалб этиш, уларнинг ҳар бириға кўнглига маъзуд машғулотни топиб бериш учун яқин орада ниямлар қилишимиз ҳақида биргаликда ўйлаб қўрайлик. Ана шу ишларни аҳоли истиқомат жойларида қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш мумкин? Ким қўнгли равишда ташаббус кўрса олади?

Соғлиқни сақлаш олдига турган муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан медицина ҳодимларининг ваколати ва касб тайёрлигига, гоивий-ахлоқий қиёфасига боғлиқ. Бугунги кунда ҳамшаҳарларини сийҳат-саломатлиги посбонлигига 16,4 минг врач, 30,7 минг ўрта медицина ҳодими турибди. Ҳар ўн минг аҳолиға 77 врач, 145 ўрта медицина ҳодими тўғри келади. Таққослаб қўриг, 1970 йилда ана шу рақамлар 63 ва 117 га тенг эди. Сон жиҳатдан ўсиш аққол қўрииб турибди. Аммо медицинада энг муҳими — ҳодимларнинг сифати ўсишидир. Айнан шу борада аҳвол қўнглигдайдек эмас. Шиқоятларнинг ҳар учдан бири қўпюклик, паст касб қўнқималари, кадрларнинг ўз вазифаларига совуқонлик билан муносабатда бўлиши билан боғлиқ. Диагностика ишларининг паст савияси, таддиқотларнинг тор доираси айрим врачларнинг маалаксизлиги билан қўйилиб, нотўғри диагноз қўйилиши ва даволашларға олиб келади, бу албатта аҳолининг шиқоятларига сабаб бўлади. Афсуски, бундай фактларға Қўйибеш райониди 7-поликлиникада (бош врач Д. И. Хидоятова), Собир Раҳимов райониди 9-поликлиникада (бош врач Г. А. Исломов), 3-шаҳар касалхонасининг умумий терапия бўлимида (булим мудир Н. Н. Қосимова) ва бошқа қатор соғлиқни сақлаш муассасаларида йўл қўйилмоқда. Қўмладан, Октябрь райониди 21-поликлиника врачларининг айби билан (бош врач И. К. Бўрихўжаева) бемор В. С. Кирсанова нотўғри даволанган. Бу беморнинг ўлимига олиб келган. Бундай фактлар оз эмас. 2-шаҳар касалхонасида (бош врач М. А. Зокирова), 10-туғруқхонада (бош врач М. М. Ортикова), Чилонзор райониди 24 ва 29-поликлиникаларда (бош врачлари В. Ю. Мирхўжаева ва Т. И. Сандов) даволаш-диагностика ишлари яхши йўлга қўйилган эмас, медицина ҳодимлари қўпюкликка йўл қўйишди.

Шу билан бирга ижодий, беморларға меҳр билан муносабатда бўлиш, ўз вақтида юксак маалакли ёрдам қўриатиш мисоллари ҳам бор. 2-шаҳар касалхонасининг шошилик кардиология бўлимида (булим мудир Ш. Н. Азизов), 5-шаҳар касалхонасининг неврология бўлимида (булим мудир Д. Я. Пукерман), Акмал Икромов райониди 30-поликлиникада (бош врач М. А. Мухамедова), Киров райониди 31-поликлиникада (бош врач Р. Т. Эргашев) ва бошқа муассасаларда айнан шундай меҳнат қилишди.

Нега энди барча медицина ҳодимлари ўз вақтида берган Гиппократ қасамедини виждондан адо этишмапти? Энг аввало бунда айб медицина олий ўқув юрталари ва билим юрталаридир. Аслини олганда улар студент ва ўқувчиларнинг тарбияси билан шугулланишмайди, устиға устак баъзан медицина бора-сида жуда бўш билан беришди. Ана шундан сўнг даволаш-профилактика муассасаларига ў



Женева битимлари қатъий рўй қиладиган Совет Иттифоқи Афғонистондаги чекланган совет қўшинлари қисмларини олиб чиқишда давом этаётди. Шу йилнинг 15 майдан бери совет қўшинларининг талайгина қисми афғон диёрини тарк этиб, Ватанга қайтди. Мамлакатнинг шарқдаги, Нангарҳор ва Пактия вилоятларидан улар эгаллаб турган позицияларини афғон қўшинлари эгаллашди.

Совет қўшинларини Афғонистоннинг жанубий районларидан олиб чиқиш ҳам бошланди. Қандахор вилоятида жойлаш-

ган бўлинмаларда техника ва қурол-аслаҳа қўриқдан ўтказилди, совет солдат ва офицерлари ўз олдиданги қўйилган вазифани бажаришга — белгиланган муддатда Ватанларига қайтишга ҳозирлик қўришяпти.

СУРАТЛАРДА: гвардиячи жангчилар жанговар тошхирини тинглатишди; маршдаги мотоўқчилар Қандахор вилоятида. В. Зуфаров ва Б. Кавашкин фотолари. ТАСС фотохроникаси.

Сибирь диёри чорлайди

11 августдан 17 августгача Тюмень областада Ўзбекистон ССР маданияти кунлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ЎзТАГ мухбирининг илтимосига биноан республика маданият министри У. Р. УМАРБЕКОВ бўлажак воқеани шарҳлаб берди:

— Интернационал қардошлигимизнинг белгилари кўп. Фаолиятимизнинг турли соҳаларида, иқтисодий ва илмий турмушимизда қардош республикалар ўрта-сидаги алоқалар йил сайин янада қалинлашиб, мустақамлашиб бормоқда. Маънавий қадриятларни муттасил охира бориш, қардош халқлар маданий ютуқларининг ўзаро кўриги яхши анъанага айланиб қолди.

Тюмень области ўзбекистонликлар учун анчадан буён мамлакатимиздаги муҳим регионлардан бири бўлиб қолмай, балки ўзининг негрты ва газ қонлари билан бутун жаҳонга машҳур бўлган бу Шимолий Сибирь ўлкаси ҳозир республикамизнинг уч мингдан ортиқ вакиллари меҳнат қилаётган жойга айланган. Улар ёқилли-энергетика комплексини жадал ривожлантиришнинг КПСС XXVII съезди ўртага қўйган, партияимиз иқтисодий стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларини ҳал этишга ёрдам беришмоқда.

Бу ўлани ўз оталигига олган «Ўзтумендорстрой» трестининг коллективи бу ерда икки беш йилликдан буён ишламоқда. Мазкур коллектив Тайгада ва авалларини қадим босиб бўлмайдиган ботқоқликларда юзлаб километр ажойиб автомобил йўллари қурди. Тошкентлик шахардорлар Тюмень шимолининг тез ривожланаётган саноат ва транспорт маркази — навқирон Нягань шаҳрида шу беш йилликда ўзларининг доимий бўлинмаларини туздилар: улар бу ерда уй-жойлар қуришмоқда, саноат қороналари, машиини хизмат ишшоотлари барпо этишмоқда.

Айтганча, бўлажак маданият кунларининг маршрутларидан бири худди ана шу Нягань шаҳридан ўтади. Маршрутлар жами иккита: биринчи гуруҳа шу кунгидея область шимолига жўнаб ке-


қовалар «Нягань» ижодий маршрути бўйлаб сафар қилишади.

Делегациялар составига меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва ижодий соҳаларнинг вакиллари, журналистлар ҳам кирган. Юнонларидан ташқари саноат қороналарида, қурилишларда урарчулар ўтказиладиган. Ўзбекистон ва адабларини Тюмень диёри меҳнатқиларни ҳузурида ўз санъатларини намойиш этадилар. Ўзбекистон нашриятларида чопирилган китобларнинг кўрагзма-савдоси ўтказиладиган.

Шимол ўлкасидаги қардошларимизни саҳий ўзбек тупроғида етиштирилган ширин-шаклар мевалар билан ҳам хушнуд этмоқчимиз. Маданият кунларида шаҳарлар ва илчи посёлкаларида мева ва сабзавот армаркаларини ташкил этиш мўлжалланган. Ўнг яхши ўзбек пазандалари эса тюменлик дўстларимизни, уларнинг илтимосларига қўра, ўзбек таомлари билан меҳмон қилдилар, ўзларининг ошпазлари санъати сирилари билан ўртоқлашдилар.

Маданият кунлари программаси кенг ва ранг-баранг. Биз бу кунлар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан сўнг ўтказиладиган алоҳида масъулият оқлаётганини, бўлажак учрашувга аниқ йўналиш берилиши талаб этиб турганини, биз маданият кунларига дабалаби маросим сифатида қараётганимиз йўқ. Бу кунларга, энг аввало, маънавий қадриятларимизнинг амалий кўриги, бирликлда меҳнат қилаётган қардошларимиз олдиданги катта ижодий ҳисобот, деб қараймиз.

Тюмень диёридаги дўстлик байрами буюқ қардошлик қонуни билан яшайётган, революцион қайта қуриш йўлида умумий куч-ғайратлар сарфлаб, бунёдкорлик ишлари олиб бораётган мамлакатимиз халқлари интернационал бирлигининг янги, ёрқин намойишига айланади, деб ишонамиз.



Тунги Тошкент. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали.



Бу гулшан ичраки йўқтур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат әрур
чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

Беғубор болалик

Болалик!.. Қанчалар беғубор, қанчалар покиза сўз! Болалик қувончлари... Бу ҳақда нечоғлиқ кўп ёзсангиз, барибир тўғатолмайсиз. Келинг, яхшиис сизга машҳур шоир Расул Ҳамзатовдан ўқийлик:

Болаликни кўраман танҳо,
Лабда кўлгу, кинрикда маржон.
Мен қанчалар қаққирмай, аммо
У ортига қайтмас ҳеч қачон...

Биринчи синфда ўқийдиган ширин жияним шеър ўқийди. Қўшин хонада нималар биландир банд бўлган менинг хатларимни тўзғийди. Шуҳратнинг шеърини тинглайман:

Кеча жияним Шуҳрат
Юлдузча тақиб келди.
Чап қўксига значок —
Юлдуздек балки келди.
Севинчидан юраги
Денгиздай қалқиб келди.
Гўё Ленин бобони
Бағрида олиб келди.

Негадир кўзларимда секинч ёшлар қалқийди. Жиянжиянимнинг ширини овози қўлғимни остида жаранглайверади, жаранглайверади.

— Аёл киши учун фарзанд керак. Бешкининг тепасида қониб-қониб алла айтишининг ўз лаззати бор, — дейди кекса Ҳалима момон.

Ҳа, она алланинги ўз лаззати бор. Ҳаётга болалар керак бўлса, кичкинтойларга оналарнинг тоғли алласи керак.

Биқир-биқир сўзлайдиган болажонлар билан суҳбат қўраганимиз! Уларнинг эркак қилиқларидан олам-олам завқ олганимиз!

Жақин суҳбатдошларимнинг орзулари кўп. Барчалари ўзлари айтирган нарсаларининг эгаси бўлишни, ундан ҳоҳлаганча фойдаланишни истайдилар. Улар ҳали боғчада қопқиллаб юрган, эртанги кун ташвишларидан беҳабар эркак қўшчалариди.

Агар мендан «Инсон учун ҳаётда энг ширин нарсанимиз» деб сўраса «Болалик» деганини сўраш, деб жавоб берган бўлардим. Чунки болалик шоир айтганидек оппоқ қозғога ўхшайди. Чанг-ғубори йўқ. Болаликка сира ҳам гард юкмайди. У умрбод оппоқ. Тўғри, инсон болалиги доимий эмас. У ўсмирликка томон боради. Лекин болалик сўзи кексайган одам учун жуда ҳам муҳаддас. Эркин Воҳидов ёзганидек:

Тупроқ қўчалардан чопган болалик,
Йиллар чанги ичра аста йўқолди.
Болалик кетди-ю, шўх суҳбатларда,
Уни қўла-қўла эсламоқ қолди...
Одина РАҲМОНОВА.

БОЛА эдик. Мурғак қалбимиз беғубор бўлса ҳам, шўхлик, ўйинқароқлик, дилимизни така-пўка қилиб турса ҳам ҳаммамизнинг юзимизда сўлгинлик, руҳиятимизда маъюслик, хатти-ҳаракатларимизда мискинлик, бир сўз билан айтганда — катталарга хос, ғамбодалик бор эди. Биз тенг болалар тирик етимлар эдик. Оталаримиз урушга кетишган, уйларимиз ҳувиллаб қолган, ҳаммамиз оч-наҳор юрверганимиздан ранги-рўйимиз сарғайган, озиб-тўзиб кетганимиздан полиздаги «қўриқчи»дек, қўруқ сўягимиз қолган эдик.

Бола эдик. Қалбимиз ғуборсиз эди-ю, тинч осмонимизни қоп-қора, даҳшатли булут босиб кун ботар томонда қирқин-барот уруш бўлаётганини, шаклар ва қишлоқлар, ёниб айронга айланаётганини, бизнинг ота-ақаларимиз қон кечиб, жон олиб, жон бераётганини, мардона қишлоқларимиз ҳалок бўлаётганини билан ҳис этардик. Дўстларим — Ҳамидулла, Махмуд, Забихилла, Насрулло, Жамол, Абдулло, Аҳаджон ва мен дала ҳовлимизнинг этак томондаги жарлик олдига кечқурунлари борар эдик-да, баланд тепаликка чиқардик:

— Қаранглар, кун ботар томон ёнипти! — деб аюҳанос солардик.

Ўртоқларим кун ботар томоннинг қип-қизариб кетганига тикилишиб қолар, назаримда улар сеҳрлангандек туюлар, оппоқ юзлари шафқат алангасидан мисранг тусда товланар эди. Ичимизда содда ўртоғим — Ҳамидулланинг юзлари йиллаётгандек бўришиб кетарди-да:

— Вой-ву, урушнинг алангаси осмонгача етди, қаттиқ уруш бўлаётган экан, — дердик.

Унинг ваҳима гапига кулардик-да, тасалил берардик: — Уруш жуда узокда... Бу аланга қўбунинг ботишдаги қанқаш-ку... — дердик.

Соода Ҳамидулла ҳамон кун ботар томонга тикилганча қайтарда қотиб турар, бирдан ўша томон учиб бораётган гала-гала қўшларини кўриб икки кўлини баланд кўтарганича қичқирарди:

— Қўшлар, жон қўшлар. У томонга учманг. У томонда уруш бўляпти!.. Ҳаммамиз ёниб кетасиз!..

Ўртоқларим орасида бўйим улардан пастроқ бўлса ҳам, ҳаммаларини туртиб олдидан ўтардим-да, илтико қилиб бақирардим.

— Қўшларжон! Уруш бўлаётган жойларга тезроқ учиб бориңг. Дадақонларимизга салом айтиңг, бизнинг соғинганларимизни айтиңг!

Ортимда бақириб-қичқириб турган ўртоқларим менинг илтикомини эшитишиб, бир зум жим бўлиб қолишарди. Ахир менинг қўшларга қилаётган илтикомини уларга ҳам ёқиб турар, улар ҳам дадақонларига салом йўллашни исташар эдик-да.

— Қўшларжон! Уруш бўлаётган жойларга тез учиб бо-

ринг! Дадақонларимизга салом айтиңг!

Ҳамма ўртоқларим шу оҳангда бақириб-қичқириб учар қўшларга нидо қилишарди. Бола эдик. Жар-жуғаларда елиб-юғуриб уруш-уруш ўйнардик-да, «немисларни қўлаб, жарлик сувига бўктирардик. Қўлиб қичқанимиздан кейин, кўм-кўк майсалар устига узала тушиб ётиб олардик. Кейин дилимизга яна ғамгинлик тушарди-ю, худди кўнглимиздек зим-зиё уйимизга қайтардик.

Кечқурунлари ҳувиллаб қолган даладарда емишлик териб юрганимизда, ҳў дала этакидан жуда узун ва баҳай-

биз тўрт ўртоқ воёга етганда шунақа яхши одам, шунақа етук кишилар бўлайликки, Салом сасиқ кўриб қўйиб кетсин!

Соода ўртоғимиз Ҳамидулланинг онаси Лазлихон опа бизни жуда яхши кўрарди. (Ўша пайтда Лазлихон опа йиғирма етти-йигирма саккиз яшар, хушбичим, истараси иссиқ, қўлишлари чиройли жувон эди). Бир кун Ҳамидулланинг уйда турганда ўртоқ дурс тайёрламоқчи бўлдик. Ҳар доим гала-галдан кимнинг уйдагилари уришмай яхши қўтиб олса, ўшаларникига тез-тез борардик, лекин кўпинча Ҳамидулланинг бо-риб турардик. Чунки, Лазли-

Оқ дастурхон

Бўлган воқеа

хон опа бизни доим очик чехра билан қўтиб олардилар-да.

Ўша кун сира эсдан чиқмайдди. Кечки пайт Лазлихон опа пешайвон ёнидаги катта ўйга хонхата қўйиб, дурс тайёрлашимизга жой ҳозирлаб бердилар-да, ҳаммамизга жиймалар:

— Болақонларим! Сизларга яхшилаб палов далаб берман, — дедилар.

Оч-наҳор юрганимиз, беш-олти ойлаб палов елганимиздан бу гапни эшитиб, ҳаммамиз баравар қичқириб юбордик:

— Ур-ре! Палов ош еймиз! — Айланай сизлардан, қўзларим!

Лазлихон опа икки ўрим йўғон сочаларни силкиб, қаққон юриб ошхона томон кетдилар. Бир қанча вақт ўтиб ошхона тарафдан пизеод ҳиди гуриқраб димоғимизга урилди. Бай-бай-бай! Мўнча екилли. Шунақа меза қилиб ўтиргандик. Лазлихон опа ўйга кириб келдилар.

— Қани, китоб-дафтарларни бир чеккага йиғиштириб қўйинглар, мен дастурхон ёзмаман...

Лазлихон опа палов ошини сузгани ошхонага кетиши билан, катта шишадан ҳамма-мизга сийданганимизга сийқ қўймоқчи бўлдик. Махмуд шининг пўқанини очиб, эди Ҳамидуллага узатяётган эди, оппоқ дастурхонга кетди-ю, ранг сийқ, мўл-қўл тўкилиб, қўш ашдек жингла бўлиб оқди. Ҳаммамиз кўрқиб ўрни-миздан туриб кетдик. Ҳамидулла хонхата тағига, Махмуд билан Хошим эски шифа ордасига, мен эса тахмонга тутилган одеал ордасига беркиндик.

Шу пайт лаганда қип-қизил паловини кўтариб Лазлихон опа ўйга кириб келдилар.

Бувижон, ўқиб беринг

Ким яхши?

Ҳар кун тонгдан
Мени уйғотиб
«Мақтабга бор», деб
Қў-қўлар тўроз.
Ҳар кун тонгдан
«Мени ўйнатинг,
Мақтабга борманг», —
Доб йиғлар ўроз.
Уроқ яхшим!и!
Ҳўроз яхшим!и!

Алдоқчи бола

Юз-кўзинини
Чўқиб чумчуқ
Қилмасин деб
Чўтир-пучуқ,
Еб қўйялман
Сени ўзим.
Яхшилигим
Бил, ҳой узум!

Соат

«Юрпятими», деб бизлар
Унга тез-тез қарайми
Далгазали қилса гар,
Қўлогини бурайми.
Дилмурод ШОКИРОВ.



Сув ичаётган гўзал.
М. Нуриддинов фотоси.

Магазин кечаю кундуз ишлайди

ПАРИШОНХОТИР УИ БЕКАЛАРИ
ВА ШАХРИМИЗ МЕХМОНЛАРИ
ФРУНЗЕ РАЙИШЧЕТОРГИГА
ҚАРАШЛИ
ЯНГИ НАВБАТЧИ 38-МАГАЗИН-
ДАН КУННИНГ ИСТАЛАН БУВАТИ-
ДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛА-
РИНИ ХАРИД ҚИЛИШЛАРИ
МУМКИН
ҲОЗИРЧА У УЗЛУКСИЗ, КУНУ-
ТУН ИШЛОВЧИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ЯГОНА САВДО КОРХОНАСИДИР
Магазиндан чанқовбосди ичимликлар-
ни, нон-булка маҳсулотларини, шарқ ши-
ринликларини, боққолик товарларини

харида қилишингиз, шарбатларни татиб ку-
ришингиз мумкин.
Бу ерда энг янги конструкциядаги нон
жавонлари ўрнатилган. Улар нон маҳсу-
лотларини узок вақт сувини қочирмай,
юмшоқ ҳолда сақлаш имконини беради.
Магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш
усулида ишлайди.
Магазиннинг адреси: Богдан Хмельниц-
кий кўчаси, 76.
Танаффуслар: соат 6.00 дан 6.30 гача,
11.00 дан 11.30 гача, 17.00 дан 18.00
гача ва 21.00 дан 21.30 гача.
Транспорт: 7, 11, 40, 45, 50, 77, 94
автобуслар; 14 троллейбус; 5, 25, 33, 34-
маршрут таксиларда «Салор ариги» бека-
тигача борилади.
ФРУНЗЕ РАЙИШЧЕТОРГИ.

Фирмали магазин хотин-қизларга модала поябзалларни
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Турфа ранг хромдан тикилган ёзлик туфлилар енгил,
чиройли ва жуда қулай. Уларга чок билан пардоз берил-
ган. Баҳоси — 26 сўм.

Куз ва қиш мавсумларига мўлжалланган қуйдаги
поябзалларга ҳам эътибор беришни тавсия қиламиз.

— сунгги модалаги «молния» илмалли ботинкаларга—
баҳоси 45 сўм;

— бошлиги хромдан, таглиги манзарали пардоз бе-
рилган полнуретандан тикилган паст кўнжли этикларга—
баҳоси 58 сўм;

— бошлиги сунгги чарм аралаш хромдан тикилган,
кнопкалар билан безатилган этикларга—баҳоси 68 сўм.
Ушбу поябзаллар Қўнор чарм заводи томонидан иш-
лаб чиқарилган.

«ЎЗБЕКИСТОН» фирмали савдо бирлашмаси 4-мага-
зинининг адреси: Маҳсидуллик кўчаси (Октябрь бозори).

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИ.

Фарзандлар катта бўлди—ташвиши ҳам кўпайди!

Ўйинчароқ, шўх, ҳамма нарсага қизи-
қувчи мактаб ўқувчисининг хаёлига нима
келишини, қандай вазиятга тушиб қолиши
мумкинлигини олдиндан айтиш қийин.
Агар сиз ўқувчиларни бахтсиз ҳодиса-
лардан страхование қилдириб ўз вақтида

шартнома тузган бўлсангиз, бирор қуфлат
ёки бахтсиз воқеа юз бериб, фарзандингиз
шўхастланган тақдирда, Давлат страховани-
ес томонидан бериладиган страхование
пули муайян даражада ёрдам бўлиши
мумкин.



ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАННИЕ

ЕДИНГИЗДА
БЎЛСИН...

Кундузги умумтаълим
мактабларининг барча ўқу-
чилари страхование бадали
тузилганлиги ёки туланма-
ганлигидан қатъий назар
1988 йил 1 сентябрдан
1988 йил 30 ноябрга қадар
страхование қилинган ҳисоб-
лавади.

1988 ЙИЛ
1 ДЕКАБРДАН ЭСА
ота-оналари страхование
шартномасини ўз вақтида
тузган ўқувчиларгина стра-
хование қилинган ҳисобла-
нади.

ШАРТНОМАЛАРНИ
ТУЗИШ

мактаблар орқали 1988
йилнинг 1 октябидан 30
ноябрга қадар — икки ой
давом этади.

Шартноманинг амал қи-
лиш муддати 1 йил, стра-
хование бадали 2 сўм.

Батафсил маълумотни
Тошкент шаҳар Давлат
страхованиесининг исталган
инспекциясидан олиш мум-
кин.
БОШҚАРМАСИ.

Пойтахт меҳмонлари, сизлар учун!

ОКТАБР БОЗОРИДА ЖОЙ-
ЛАШГАН «ШАРҚ ГУЛИ» МАГА-
ЗИНИ СИЗЛАРИ СУВЕНИРЛАР
ХАРИД ҚИЛИШГА ЧОРЛАЙДИ.

Бу ерда сотиб олинган ҳар бир
буюм Сизга бизнинг қўшили ўлка
ҳақида, унинг қадимий халқ анъана-
ларига бой, ўзига хос маданият ҳақи-
да эслатиб туради.

Мана бу миллий ўзбек
дўпписи эса энг машҳур
эсдалик совғасидир. Аёл-
лар, эркаклар ва болалар
учун истаганингизни тан-
ланг: ипак, мунчоқ, зарҳал
ил билан тикилган турфа
хил дўппилар Сизга мунта-
зир.

«ШАРҚ ГУЛИ» фирмали
магазини Маҳаллий саноат
министрлиги корхоналари-
нинг маҳсулотларини хари-
дорлар эътиборига ҳавола
қилади.


Тикувчилик, трикотаж ва
бадий буюмлар — дўппи-
лар, керамика ўймакорлик
буюмлари, заргарлик тақин-
чоқлари, миллий газлама-
лар, зардўзлик буюмлари,
суякдан ва ёшодан ясалган
буюмлар шулар жумласи-
дандир.

«ШАРҚ ГУЛИ» магази-
нига 7, 8, 11, 16-трам-
вайлар; 4-троллейбус ҳам-
да 28-«а» автобус билан
«Октябрь бозори» бекати-
га борилади.

«ЎЗМЕСТПРОМ» ИЛ МИЯ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутунитифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.



Тошкент театр ва рассомлик санъати институти битирувчи-
си, илланушчани Шавкат Гафуров истеъдоди юксак
баҳоланди. Унинг «45-йил олмалари» картинаси СССР Рас-
сомлар академиясидан намоён қилиш учун танлаб олинди.

СУРАТДА: Шавкат Гафуров ўз асари билан.

М. Назаров фотоси.

Жамият ва қонун

ЧАЙҚОВЧИЛАР

● Ленин райони милиция
ходимлари Бехтерев кўчасида
истикомат қилувчи, шу йилнинг
май ойидан бери ҳеч қерда
ишламаётган, 1943 йилда ту-
гилган А. Д. Денисовни қўлга
олишти. У ўз ўқида ошқир-
илган нархда вино сотиб келган.
● Шу райондаги Светлая
кўчасида истикомат қилувчи,
аврел ойидан бери ҳеч қер-
да ишламаётган, 1946 йилда
тугилган граждани Г. Р. Олек-
сенковнинг квартирасидан 574
ишса спиртли ичимлик топи-
лди. Ичкиликларни у чайқов
нархда пуллаб келган.

ЖИНОЯТЧИЛАР
УШЛАНДИ

● Шу йил февраль ойида
Достоевский кўчасида қаров-
сиз қолдирилган «Жигули» ав-
томашинасидан магнитофон,
радиоприйимки ва эҳтиёт гил-
дираг қўрилган эди. 25
июнда ана шу ўғирликни со-
дир этган экскаватор заводи-
нинг ишчиси, 1962 йилда ту-
гилган Магдогзов кўлга оли-
нди. Ўғирланган буюмлар эгаси-
га қайтарилди.

● 20 апрель кунин Ленин
районининг Полторацкий кўча-
сидан квартиралардан бирига
ўғри эшкани бузиб кирган ва
Японияда ишлаб чиқарилган
«Шарп» магнитофонини ўғир-
лаган эди. Қўрилган чора-тад-
бирлар натижасида ана шу
жиноятни содир этган, шу йил-
нинг май ойига қадар 31-ху-
нар-техника билим- юртида
ўқиб келган, 1970 йилда ту-
гилган В. Колосов ушланди.

ҚОТИЛЛИК

Сергели районда истико-
мат қилувчи граждани Бело-
сов 25 июль кунин ўз уйига
танқинини олиб келиб, бирга-
лиқда спиртли ичимлик ичган.
Уртада чиққан жаникал нати-
жасида меҳмон уй эгасига пи-
чок билан жароҳат етказган.
Меҳмон шу ернинг ўзида ҳа-
лок бўлган. Жиноятчи ушлан-
ди, у илгари қотиллиги учун
судланган, 1-Тошкент монтаж
бошқармасининг электр монте-
ри, 1951 йилда туғилган В. И.
Бозоров экан.

ИЧКИЛИК ОҚИБАТИ

● 288-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси А. Ваганов 25 июль
кунин спиртли ичимлик истеъ-
мол қилиб, транспорт восита-
сини бошқариш ҳуқуқи бўлма-
са ҳам, отасига қарашли «Жи-
гули» машинасидан сайр қил-
гани чиқди. Зулайхо кўчасида у
машинани бошқара олмай,
граждани Абдурахмоновани
уриб кетди. Абдурахмонова
тан жароҳатлари билан шаҳар
касалхонасига ётқизилди.

● Бутунитифоқ ленинчи
коммунистик шанбаллик номи-
даги маданият ва истироҳат
боғида спиртли ичимлик истеъ-
мол қилган Тошкент экспери-
ментал пластмасса заводининг
ишчиси, 1966 йилда туғилган
Владимир Сердюков Сергели
районининг Мардлик кўчасида
турган «ЗИЛ» маркали сув се-
пиш машинасини олиб қочди.
Шу кўчанинг ўзидан у машина-
ни йўл чеккасида турган
«МАЗ-500» автомашинасига
олиб бориб урди. Натияжада
«МАЗ» машинасиданги түрт йў-
ловчига тан жароҳати етказил-
ди. Сердюков жиноий жавоб-
гарликка тортилмоқда.

ЎҒИРЛИКЛАР

● 21 июль кунин Сергели
районда уч номаълум шахс
Ф. исмли гражданининг ишон-
чини қозониб, унинг кварти-
раси қалитини қўлга киритди-
лар. Сўнгра эгаси йўқ пайтда
унинг уйдан шахсий буюмла-
рини ўғирлаб кетишти. Жино-
ятчилар ўша кунининг ўзидеб
ўғирланган буюмларини Олой
бозорига сотаётган пайтларида
милиция ходимлари томонидан
қўлга олинди.

● 23—25 июль кунларининг
бирида номаълум шахс Чилон-
зор массивининг учинчи квар-
талдаги 1-қаватда жойлашган
квартирага балкон ошиб ту-
шган ва уй эгасининг йўқлиги-
дан фойдаланиб, «Славу-
тич-220» маркали телевизорни
ўғирлаб кетган эди. Чилонзор
район милиция бўлими учас-
ти.

ка инспекторлари Халилов ва
Қосимов жиноятчини қўлга
олишти. Ҳозир у жавобгарлик-
ка тортилган.

ҚАЛЛОБЛИК

● Қоракалпоғистонлик мак-
таб ўқитувчиси П. Пирназаров
Тошкент шаҳрига харажат қи-
либ кетгани келган эди. К. Ни-
зов кўчасида у номаълум ки-
шига дуч келди. Ана шу киши
камбё молларини топиб бера-
ман деб, П. Пирназаровнинг
245 сўм пулини ва 2500 сўм
лик уч процентли ички ютуқ
заёми облигацияларини олган
ва гоийб бўлган.

Жиноятчининг белгилари:
миллети ўзбек, ёши 20—25 ла-
да, бўйи 160-165 сантиметр,
қотмадан келган, сочлари қо-
ра. Енгил калпа тўқ кулранг
қўйлак кийган эди.

ЕНГИНЛАР

«Ўзспецэнергомонтак» трес-
ти «Ўзбекгазпром» ишлаб чи-
қариш бирлашмасининг спесар-
ни, 1959 йилда туғилган Под-
рядчиков 21 июль кунин бир-
лашма территориясига 4 иш-
са вино олиб келди. Ишдан
сўнг у винони ёрдамчи хона-
да ўз ўртоқлари: 1965 йилда
туғилган спесар А. Винокуров,
ҳайдовчилар — 1966 йилда ту-
гилган С. Захаров ва 1965 йил-
да туғилган Р. Аҳмедов бил-
лан ичига қарор қилди. Ул-
фатлар Подрядчиков ўз мопе-
ди учун тайёрлаб қўйган бир
челак бензини ёнида жойлаш-
тирди. Челакка улоқтирилган
сигарет қолдигидан ёнгин чи-
қиб, қаттиқ даражада қўйган
Винокуров касалхонага келти-
рилганига қарамай ҳалок бўл-
ди. Даволанаётган Захаров бил-
лан Аҳмедовнинг ҳам аҳоли
оғир. Тасодифин қарангки, ён-
гин чиқиши олдиндан ташқари-
га чиққан Подрядчиков со-
мон қолибди.

ҚИДИРУВ ЭЪЛОН
ҚИЛИНДИ

● Тошкент шаҳар Куйбишев
район ички ишлар бўлими Гу-
лирайхон кўчасидаги 45-уйда
истикомат қилиб келган, 1982
йилда туғилган Дилмурод Аб-
дукаримович Уринбоевни қи-
дирмоқда. Бу бола 1988 йил
23 июнда уйдан чиқиб кетган
нича қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 110—130
сантиметр, гавдаси ўртача, юзи
чўзинчоқ, сочлари калпа ва
қора.

Ҳаворанг ёқали оқ қўйлак,
оқ калпа шим, обёига қизил
сандалет кийган эди.

● Тошкент шаҳар Куйбишев
райондаги Параллельная кў-
ча, 1-тупик, 7-уйда истикомат
қилиб келган, 1902 йилда ту-
гилган Анна Григорьевна Фе-
дорова шу йил 13 июнда уй-
дан чиқиб кетганича қайтгани
йўқ. Кампининг қўлоғи оғир,
ўзи ҳақида маълумотларни бе-
ришга қодир эмас.

Белгилари: бўйи 135—140
сантиметр, қотмадан келган,
қора қўйлак, ҳаворанг кофта
кийган, бошида қора рўмоли
бор эди.

Ўзингиз гувоҳ бўлган жи-
ноятлар, ана шу жиноятни со-
дир этган шахслар, қидирила-
ётган жиноятчилар ва дом-да-
раксиз йўқолган кишилар, шу-
нингдек, ўғирланган буюмлар-
ни сотиб олаётган ёки реали-
зация қилаётган шубҳали шахс-
лар ҳақидаги маълумотларни
02, 33-71-47, 56-99-10 телефо-
лари орқали милицияга ҳаба-
р беришингизни сўраймиз.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар телефон тармоғи

Шимоли-Шарқ массиви, Қодиров кўчаси, ТашГРЭС,
II-Черданцев массивлари, Високопольний массивининг
июль ойига хисобда турган аҳолисини телефонлар ўр-
натилиш юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш учун
Ҳамза район телефон алоқа узели (Софийский проспек-
ти, 2-уй)га

ТАКЛИФ ЭТАДИ

1 сентябрдан 22 сентябргача (шу ҳисобда) Шимоли-
Шарқ массивининг 4, 5, 6, 7, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 19,
20, 21, 23, 24, 25, 26, 27-уйлари;

Қодиров кўчасининг 9, 11, 13, 15, 17, 19, 20, 21, 22,
23, 24, 25, 26, 27-уйлари.

22 сентябрдан 10 октябргача — П-Черданцев масси-
вининг 21, 22, 23, 24, 25, 26, 33, 36-«а»-уйлари;
Красновосточный кўчасининг 1-«а», «б», «в», 8, 9,
15, 16, 17, 66, 100 «а», 100, 90-уйлари;

ТашГРЭС массивининг 10, 10-«а», 26-уйлари, М.
Горький кўчасининг 105, 107, 109, 11-уйлари;
Високопольний массивининг 82, 83, 84, 85, 86, 87,
88, 89-уйлари.

10 октябрдан 31 октябргача — ТашГРЭС массиви-
нинг 4, 6, 16, 17, 18, 19, 20, 27, 28-уйлари;

Ж. Обидова кўчасининг 1, 20, 22, 25-уйлари, Крас-
новосточный кўчасининг 2, 3, 4-уйлари;

Високопольний массивининг 58, 59, 60, 61, 62, 63,
64, 65, 68, 69-уйлари.

Телефонлар СССР Алоқа министрлигининг 1987 йил
23 мартдаги 50-д сон «Янги АТСлар ишга туширилиши
билан телефонларни ўз вақтида ўрнатиш тартиби ҳақи-
да»ги хатига биноан ҳақ тулангандан сўнг 6 ой мобай-
нида ўрнатиб берилади.

Аҳоли эҳтиёжларини бирмунча тўлароқ қондириш
учун техника имкониятларини хисобга олиб телефон
ўрнатиш учун 1983 йилдан кейин ариза берган хона-
донларнинг 35 процентидан чоғишма (блокировкаланган)
телефонлар ўрнатиш кўзда тутилган.

Ноаниқликларга йўл қўймаслик мақсадида телефо-
нларни расмийлаштириш графигига риоя этилишини сў-
раймиз.

Телефонларни расмийлаштириш телефон узелининг
абонентлар бўлими томонидан ҳар кун соат 9 дан 19.00
гача амалда оширилади.

Қўшимча справклар олиш юзасидан телефон узелига
муурожаат қилишларингизни сўраймиз: Софийский про-
спекти, 2-уй. Телефонлар: 34-04-25, 34-70-22.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ.


Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ

ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«Нофелет қарда жойлашган?»




Сценарий муаллифи — А. ЭИРАМЖОН.
Режиссёр — Г. БЕЖОНОВ.

Ролларда: В. МЕНЬШОВ, А. ПАНКРАТОВ-ЧЕР-
НИЙ, В. ТЕЛИЧКИНА ва бошқалар.

Фильмда ўзининг камтарлиги ва уятчанлиги туфайли
орзусидаги аёл билан таниша олмаган қирқ ёшдаги бир
эркак ҳақида ҳикоя қилинади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ
МАХСУЛОТИ.

«Алвидо, Замоскворецк безориси»



Сценарий муаллифи — Э. ВОЛОДАРСКИЙ.

Режиссёр — А. ПАНКРАТОВ.

Ролларда: С. МАКАРОВ, Л. БОРОДИНА, М. ПУ-
ЗИРЕВ ва бошқалар.

Бу хотира фильмда ҳажман жуда мураккаб тарихий
лавр қамраб олиниб, унда урушдан кейинги пайтлардаги
ёшлар тарбияси муаммоларига муурожаат қилинган.
Умуман олганда, бу фильм фоживий муҳаббат ҳақида-
дир.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ

МАХСУЛОТИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет кури-
лиши ва ҳалқ интилоби — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84;
шаҳар хўжалиги, савдо ва махши хизмат — 32-55-39, калтап курилиши — 32-56-85;
фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, харбий-ватанпарварлик тар-
бияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; халар ва оммавий ишлар
— 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик, редакцияси — 33-81-42, 32-53-66;
«Ташкентская неделя» режиссёрлари — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилла-
рида мустиқли равишда
нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қи-
зил Вайроқ ордени бошқармаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ

АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.